

**ЎҚУВ МАШҒУЛОТИ
ЎТҚАЗИЛДИ**



3-бет



**БОЛАЖОНЛАР ЎЗ МАВСУМИНИ
МАРОҚЛИ ЎТҚАЗМОҚДА**

3-бет

**27 июнь –
Матбуот ва оммавий
ахборот воситалари
ходимлари куни**

4-бет



**О‘ЗБЕКИСТОН
BUNYODKORI**

ЎТМОЙ-ЎТМОЙ ГАЗЕТА

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

№ 46 (599)
2022 йил 28 июнь,
сешанба

uzbunyodkor

t.me/uzbunyodkor

info@uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан
хафтанинг сешанба ва
жума кунлари чиқади.

**МАТБУОТ ВА
ОММАВИЙ АХБОРОТ
ВОСИТАЛАРИ
ХОДИМЛАРИГА**

Хурматли оммавий ахборот воситалари ходимлари!

Қадри дўстлар!
Аввало, сиз, азизларни, соҳа ривожига бугун ҳам муносиб ҳисса қўшиб келаётган муҳтарам фахрийларни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни байрами билан чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга ўзининг юксак ҳурматини ва энг эзгу тилакларини изҳор қиламан.

Биз оммавий ахборот воситалари ходимлари тимсолида ўзининг чуқур билим ва тажрибаси, ноёб истеъдод ва маҳоратини халқимизнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, одамларнинг онгу тафаккурини юксалтириш, жамиятимизда очиқлик ва ошкоралик муҳитини мустаҳкамлаш, глобал ахборот маконида миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдек олижаноб ишларга бағишлаган жонқуяр ва заҳматкаш инсонларни кўраман.

Жонажон Ўзбекистонимиз ўз тараққиётининг янги ва муҳим босқичга қадам қўяётган ҳозирги даврда медиа соҳаси вакиллари – журналист ва муҳаррирлар, режиссёр ва операторлар, блогерлар, теле-радио каналлар, газета ва журналлар, нашриёт ва босмахона ходимлари Ватанимизнинг демократик қиёфасини шакллантириш, уни дунёга тараннум этишга беқиёс ҳисса қўшиб келаётганини эл-юртимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Муҳтарам юртдошлар!

Кейинги йилларда мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини халқ билан мулоқотнинг ишончли кўприғига айлантириш, замонавий ахборот хизматлари бозорини, соғлом рақобатни ривожлантириш, медиа тармоқларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, устоз-шоғирд аъналарини кучайтириш, соҳа ходимларининг машаққатли меҳнатини муносиб рағбатлантириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ана шундай юксак эътибор тўғрисида йўналишда оммавий ахборот воситалари сони 2016 йилга нисбатан қарийб 30 фоизга ортиб, 1962 тага етгани диққатга сазовордир. Айниқса, хусусий медиа воситалари ҳаётимиздан кенг ўрин эгаллаб бораётгани жамиятимизда фикрлар хилма-хиллигини таъминлашда, туб ислохотларни амалга оширишда, жойларда йўл қўйилган камчилик ва муаммоларни дадил кўтариб чиқишда муҳим омил бўлмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, телевидение ва Интернет тармоғини интеграция қилиш мақсадида замонавий интернет платформаси ва унинг мобил иловаси ташкил этилгани, миллий ахборот маконимизда интернет нашрларининг сони сўнгги 6 йилда салкам икки баробар кўпайиб, 677 тага етганини алоҳида таъкидлаш лозим.

2-бет

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ
ВА ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, улар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, кадрлар салоҳияти ва рақобатбардошлигини янада ошириш, журналистика соҳасини ривожлантириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки:
а) 2022 йил 1 июлдан бошлаб 2025 йил 1 июлга қадар: оммавий ахборот воситалари **фойда солиғини** белги-ланган солиқ ставкаларига нисбатан **50 фоиз** камайтирилган солиқ ставкалари бўйича тўлаиди, реклама хусу-сиятига эга бўлган оммавий ахборот воситалари бундан мустасно;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича олиб кириладиган матбаа ускуналари, замонавий фото ва радиотелевизион ускуналар ҳамда қоғоз **бож-на божидан озод этилади**;

б) 2023 йилдан бошлаб тегишли давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда бошқа муассасаларга **110 нусха** даврий босма нашрлар ва **67 нусха** китоб маҳсулотларининг **мажбурий бепул нусхаларини юбориш амалиёти бекор қилиниб**, улар томонидан босма маҳсулотларни **харид қилиб олиш тартиби жорий қилинади** (Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси бундан мустасно). Бунда, тегишли давлат органлари томонидан харид қилиб олиш учун Давлат бюджетидан маблағ ажратилади;

ди” харажат моддаси орқали **даврий босма нашрлар**, уларнинг электрон шакли ва электрон оммавий ахборот воситаларига **обуна бўлиш учун маблағ йўналтиришга рухсат берилди**.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2022 йил 1 октябрдан бошлаб болалар учун мўлжалланган теле- ва радиомасхулотларни ишлаб чиқариш ва эфирга узатиш бўйича ҳар йили энг яхши 30 та лойиҳа** учун ҳар бири базавий ҳисоблаш микдорининг 300 бараваригача микдорда бўлган танлов эълон қилинади. Бу борадаги харажатлар Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига қўшимча ажратиладиган Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қўлланади.

в) бюджет ташкилотларига улардаги “кутубхона фон-

2-бет



**27 ИЮНЬ –
Матбуот ва оммавий
ахборот воситалари
ходимлари куни
билан
табриклаймиз!**

**ИНВЕСТИЦИЯ
ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ
БАЖАРИЛИШ ҲОЛАТИ
Кўриб чиқилди**

Президент Шавкат Мирзиёев 27 июнь куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари тақдимоти билан танишди.

Бу йил пойтахтимизда қарийб 4 миллиард доллар инвестиция ҳисобига 500 дан зиёд лойиҳа режалаштирилган. Бугунги кунга келиб, шундан 1 миллиард 500 миллион доллари ўзлаштирилган. 120 миллион долларлик 71 та лойиҳа ишга туширилиб, 5 мингдан ортиқ иш ўрни яратилган. Умумий микдори 2 миллиард 300 миллион долларлик яна 450 та лойиҳа бўйича иш олиб борилмоқда.

Давлатимиз раҳбари биринчи ярим йилликдаги кўрсаткичлар етарли эмаслигини таъкидлаб, кечикраётган лойиҳаларнинг муаммосини ҳал қилиш, инвестициялар жалб этишни кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Тақдимотда “Янгиҳаёт” индустриал технопаркида олиб борилаётган ишлар ҳам кўриб чиқилди.

Бу ҳақда Ўзбекистон Президентининг 2021 йил 4 февралдаги қарорида белгиланган эди. Ушбу технопарк учун 210 гектар майдон ажратилган. Бош режа ишлаб чиқиляб, бугунги кунда муҳандислик-коммуникация тармоқларини барпо этиш бошланган.

Президентимиз бу ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан муҳим лойиҳа эканини таъкидлади.

– Ҳеч қайси давлатда тадбиркорга енгиллик яратмасдан туриб, натижага эришиб бўлмайди. Бу технопарк тадбиркорлар учун қулай майдон бўлиши керак. Импорт ўрнини босадиган, кўпроқ одамларни иш билан таъминлайдиган лойиҳаларга эътибор қаратиш керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Биринчи босқичда технопарkning 110 гектар майдони аукционда сотилган. Уларда ошхона жиҳозлари, қандолатчилик ва тўқимачилик маҳсулотлари, сантехника товарлари, полиэтилен ва металл буюмлар ишлаб чиқариш лойиҳалари жойлаштирилган. Умуман, технопаркда ташкил этиладиган корхоналарда 20 минг иш ўрни яратилиши мўлжалланган.

Тошкентда хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича ҳам имкониятлар катта. Утган беш ойда бу соҳада 5 минг 500 та лойиҳа доирасида 183 мингта иш ўрни яратилган.

Давлатимиз раҳбари аҳолининг талаби ва имкониятлари ўсиб бораётганини, шундан келиб чиқиб, хизматларни кенг қўлабдиҳиш зарурлигини таъкидлади. Ёшларни бу соҳа бўйича ўқитиб, хизматлар сифатини ва бандликни ошириш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Ў.А.

**МУНОСАБАТ
ДАХЛСИЗЛИК ҲУҚУҚИНИНГ
КОНСТИТУЦИЯВИЙ КАФОЛАТЛАРИ**

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш киритиш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувида уй-жойга ёки шахснинг бошқа мол-мулкига унинг рухсатисиз кириши, уларни қўздан кечириси ва тинтув ўтказиш фақат қонунда белгиланган ҳолат ва тартибда йўл қўйилиши Конституцияда қатъий белгиланиши лозим, деган тақлифни илгари сурганди. Ана шу тақлиф юзасидан юридик фанлар доктори, профессор Шерзод ЗУЛФИҚОРОВ мухбиримизга ўз фикрларини билдирди.

– Инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларда, дунёнинг бошқа давлатлари конституцияларида дахлсизлик масалалари қай даражада мустаҳкамланган?

– Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқларига оид 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатларни ратификация қилган ва улар ижросини таъминлаш бўйича тизимли ишларни амалга ошириб келмоқда. Шундан келиб чиқиб, турар жой дахлсизлигини таъминлаш ҳам шулар жумласидандир. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 12-моддасида ҳеч кимнинг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик билан аралашиб, уй-жойи дахлсизлигига, унинг ёшималаридаги сирларга ёки унинг номус ва шаънига ўзбошим-



чалик билан тажовуз қилиниши мумкин эмас, ҳар бир инсон худди шундай аралашув ёки тажовуздан қонун орқали ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга, деган қоида белгиланган.

Қизиқarli ҳолат, АҚШ Конституциясига 1791 йилда киритилган ўзгартиришга кўра, ҳеч бир аскар тинч замонда ҳам, ҳарбий ҳолатда ҳам шахсий уйларга эгасининг розилигисиз кириши мумкин эмас, ҳарбий ҳолатда, истисно тариқасида, бунга рухсат берилиши мумкин, лекин тартибга солуви қонун асосида, деган норма назарда тутилган.

Конституциямизнинг 27-моддасига қарасак, ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари биронинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни қўздан кечирishi,

ёшималар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган.

Бундан кўриниб турибдики, шахс ва унинг уй-жой дахлсизлигини таъминлаш – давлат олдида турган энг муҳим функционал вазифалардан бири ҳисобланади.

– Мамлакатимизда турар жой дахлсизлиги қандай қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади?

– Юртимизда аҳолини арзон уй-жойлар билан таъминлаш ҳам ижтимоий давлатнинг муҳим белгиларидан бири ҳисобланади. Турар жой деганимизда, инсонларнинг ватан ичидаги ватани десак, ҳеч ҳам хато қилмаган бўлаемиз.

2-бет

**Янги уйлар
эгаларига
топширилди**

Ҳамза ШУКУРОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Аҳолининг кам таъминланган, ёрдамга муҳтож қатламни уй-жой билан таъминлашда Самарқанд вилоятида ҳам қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Куни кеча Кимёгарлар қўрғонидаги Нури келажак маҳалласида 114 хонадондан иборат уй-жойнинг фойдаланишга топширилиши ҳам ана шундай хайрли тадбирларнинг давомидир. Бинобарин етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган.

– Яқинда ҳаётимда қувончли кун – Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида диплом учун тайёрлаган лойиҳамни ҳимоя қилган эдим. Бугун эса оиламиз билан йиллаб кутган яна бир орауимиз ушалди. Яъни, 3 та янги қурилган кўп қаватли уйдан бизга ҳам хонадон ажратиб берилди. Бу уй-жойнинг ҳар бир квадрат метри учун вилоят ҳокимлиги 3 млн сўмдан тўлаб берди, – деди хурсандчилигини аширолмаган, болалиқдан ногирон Сергей Бададя.

Бош пудратчи – “ФХП ССХАФ конструкция групп” компанияси шу кунларда қолган ишларни охирига етказиб, турар жойнинг ён-атрофи ободонлаштирилмоқда.

Айтиш жоизки, хонадонларнинг 76 таси умуман яшаш жойи бўлмаган ночор оилаларга, 38 таси етимларга тайёр, зарур уй жиҳозлари билан жиҳозланган ҳолда берилгани барчани мамнун этди.

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

1-бет

Натижада давлат ва нодавлат ташкилотларининг ахборот манбалари янада ортиб, аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш, одамларни ўйлантираётган муаммоларга тезкор муносабат билдириш, турли мавзулар бўйича очиқ, холис ва танқидий фикр билан чиқишда катта имкониятлар пайдо бўлмоқда.

Ахборот соҳасида миқдор кўрсаткичларини сифат кўрсаткичларига айлантириш, миллий журналистикамиз тараққиётини янги босқичга олиб чиқиш – олдимизда турган долзарб вазифадир.

Ўзбекистон медиа компаниялари ҳам жаҳон ахборот майдонида муносиб ўрин эгаллаб, глобал сиёсий-ижтимоий жараёнларда фаол иштирок этишга интилоқдалар.

Бунинг учун тинимсиз меҳнат қилиш, илғор хорижий тажрибалар, замонавий ахборот технологиялари, серқирра тахлил усулларини ўзлаштириш, доимо изланиб яшаш, миллий журналистикамизнинг янги авлодини тарбиялаш зарур.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида ўз ифодасини толган бундай юқори марраларга эришиш учун бизда барча ресурс ва салоҳият мавжуд.

Фуқароларимиз учун ахборот соҳасида қулай имкониятлар яратиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг роли ва таъсирини кучайтириш – яна бир устувор вазифамиздир.

Шуни қайт эйтиш зарурки, соҳанинг моддий-техник базасини яхшилаш, ходимлар меҳнатини рағбатлантиришга бундан буён ҳам доимий эътибор қаратамиз.

Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш бўйича куни кеча қабул қилинган Президент қарори бу борада муҳим қадам бўлди. Унга кўра, оммавий ахборот воситаларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, кадрлар салоҳияти ва рақобатбардорлигини янада ошириш, эҳтиёжманд ва ёш журналистларни уй-жой билан таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилади.

Шунингдек, жорий йилда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоят марказлари ва Тошкент шаҳрида Матбуот ўйларининг ҳолати танқидий ўрганиб чиқилиб, янги биналар барпо этиш юзасидан зарур чоралар кўрилади.

Маълумки, жаҳонда эътироф этилган демократик мезонларга кўра, матбуот эркинлиги – барча фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар орасида алоҳида аҳамиятга эга. Албатта, бу соҳада ютуқлар билан бирга ҳали муаммоларимиз ҳам йўқ эмас.

Кейинги пайтда ижтимоий тармоқлар орқали баъзи жойларда оммавий ахборот воситаси ходимларига менсимай қараш, уларнинг ўз ваколати доирасида эркин фаолият юритишига тўсқинлик қилиш ҳолатлари учраётгани ҳақида хабарлар тарқалаётгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Шу муносабат билан яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман: биз барпо этаётган ҳуқуқий демократик давлатда сўз ва матбуот эркинлиги доимо Бош қомусимиз ва қонуларимиз ҳамда Президент ҳимоясида бўлади.

Оммавий ахборот воситалари ходимларининг ўз фаолиятини қонун доирасида эркин амалга оширишига тўсқинлик қилиш – бу демократик ислохотларимизга қарши ҳаракат, мамлакатимизнинг обрўсига путур етказиш сифатида баҳоланиши керак. Суд ва прокуратура органлари бизга мутлақо ярашмайдиган бундай салбий ҳолатлар бўйича қатъий чоралар кўриши лозим.

Бир ҳақиқатни ҳеч қачон эсдан чиқармаслигимиз керак: барчамиз демократия деб аталган буюк мактабнинг ўқувчиларимиз. Бу борада ҳали кўп нарсаларни ўрганишимиз зарур. Фарзандларимизни айна шу рўйда тарбиялашда журналистика соҳаси вакиллари, муҳтарам фахрийларимиз ўзларининг бой тажрибаси ва ибратли фазилатлари билан алоҳида намуна кўрсатадилар, деб ишонаман.

Хурматли оммавий ахборот воситалари ходимлари!

Бугунги байрам муносабати билан соҳа фойдоиларидан бир гуруҳи давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлангани, ҳеч шубҳасиз, барча ижодкорларни янги-янги марралар сари илҳомлантириб, уларга катта фойда ва ишжонат бағишлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, сиз, азиз қалам аҳлини қўтлуғ байрамингиз билан яна бир бор чин қалбимдан самимий табриклаб, барчангизга сийҳат-саломатлик, ижодий фаолиятингизда улкан ютуқлар, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат ва файзу барака тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ДАХЛСИЗЛИК ҲУҚУҚИНИНГ КОНСТИТУЦИЈАВИЙ КАФОЛАТЛАРИ

1-бет

Умуман олганда, турар жой дахлсизлиги бу – фуқароларнинг конституциявий шахсий ҳуқуқ ва эркинликларидан бири бўлиб, фуқароларнинг турар жойига бўлган дахлсизлигини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлайдиган муҳим талабдир.

Ўзбекистон қонунчилигида эътибор қаратадиган бўлсак, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 45-моддасида турар жойга унда истикомат қилувчиларнинг хоҳиш-иродасига хилоф равишда қонуний тарзда кириш, мансабдор бўлмаган шахс томонидан содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг учдан бир қисминдан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади, деб белгилаб қўйилган.

Жиноят кодексининг 142-моддасида турар жойга унда яшовчиларнинг эркига хилоф равишда зўрлик ишлатиб бостириб кириш

3 йилгача ахлоқ тўзатиш ишлари, икки йилдан беш йилгача озолиқни чеклаш ёки 5 йилгача озолиқдан маҳрум қилиш билан жазоланиши кўрсатилган. Турар жой дахлсизлигида хусусий мулк бўлган уйлар, кватиралар олиб қўйилиши, мулкдор эса уйга, кватирасига мулк ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги ҳам тўшунлади.

Аммо бир қатор ҳолларда турар жой дахлсизлиги бўлган ҳуқуқ истисно этилади. Жумладан, гаров муносабатларида ундирув гаровга қўйилган мол-мулкка қаратилганда, национализация, реквизиция, мусодара қилинганда турар жой дахлсизлиги четлаб ўтилади.

Жиноят-процессуал кодексининг 157-моддасига кўра, суриштирувчи ва терговчи бирор турар жой, хизмат, ишлаб чиқариш биносида ёки ўзга жойда бирон нарса ёки ҳужжатлар борлиги ҳақида аниқ асосланган маълумоти бўлса, тинтув ўтқа-

зиши мумкинлиги белгилаб кўридан. Мазкур ҳуқуқий норма ҳам шахсларнинг турар жой дахлсизлигини қонун доирасида ҳимоя қилишни тўзатилади. 20-моддасида ҳам фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг жамият ва давлатнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликларини мустаҳкамлаб қўйилган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Конституцияда уй-жойга ёки шахснинг бошқа мол-мулкига унинг руҳсатисиз кириш, уларни кўздан кеңириш ва тинтув ўтказишга фақат қонунда белгиланган ҳолда ва тартибда йўл қўйилишининг белгилаб қўйилиши, қўллаб-қувватлаш дахлсизлиги билан боғлиқ муаммоларнинг олдини олишга хизмат қилади ҳамда мазкур муаммонинг ечимини Конституция даражасида мустаҳкамлашга бевосита хизмат қилади.

Конституциямизда белгилаб қўйилган ҳалқчил моддаларга мослаштирилган ҳолда қабул қилинмоқда. Аммо шиддат билан ўзгараётган дунёда рўй бераётган гисеисий вазиятлар, энг аввало, мамлакатимизнинг келгуси беш йилда ривожлантиришга қаратилган Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси ва унда белгиланган мақсадларни амалга ошириш нафақат қонунларимизни мустаҳкамлашни, шу билан бирга, Бош қомусимизда ҳам инсон қадрини юксалтиришга қаратилган нормаларни янада такомиллаштириб, замон талабларига мослаштиришни талаб этмоқда.

Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясида бугунги глобаллашув жараёнида юрдошларимиз ва мамлакатимиз манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилган ҳолда мамлакат тараққиётини таъминлашга қаратилган алоҳида икки йўналиш ва унинг доирасида амалга оширишга қаратилган мақсад ва вазифалар белгиланди. Жумладан, Ҳаракатлар стратегиясидан фарқли равишда бешинчи – Маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш ҳамда олтинчи – Миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш каби йўналишлар белгиланди.

Жойларда юрдошларимиз билан ўтказилаётган ҳар бир мулоқот ва учрашувларда уларнинг Бош қомусимизни такомиллаштириш юзасидан билдирган фикри ва тақлифларини тўлақонли ўрганиб чиққан ҳолда Комиссия аъзоларига етиб келишини таъминлашимиз даркор.

Зеро, ҳозир халқимиз муаллифлигида ишлаб чиқиладиган Янги Ўзбекистоннинг Янги Конституцияси мамлакатимиз тараққиёти, фуқароларимиз турмуш тарзини юксалтириш йўлида қабул қиладиган қонунларимиз учун йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

1-бет

3. Фаол журналистларни мунтазам рағбатлантириш ва улар ўртасида ижодий соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш мақсадида **ҳар чоракда:**

оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган **100 тагача энг яхши материал** учун муаллифлар (ижодий гуруҳ аъзолари) қуйидан юқорига ўсиб бориш тартибда базавий ҳисоблаш миқдорининг **50 бараваригача миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади;**

амалий ва долзарб аҳамиятга эга бўлган **100 тагача энг яхши таҳлилий материални тайёрлаш** ва оммавий ахборот воситаларида **эълон қилиш** учун давлат **грантлари** ва давлат **ижтимоий буюртмаларини** бериш бўйича танлов эълон қилинади.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.А. Ходжаев) энг яхши материалларни **кенг жамоатчилик ва малакали мустақил экспертлар томонидан очиқ ва шаффоф усулда электрон аниқлаш тизими – максус электрон платформани** ишга туширсин.

Белгилансинки, ушбу бандда назарда тутилган лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан таққиланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

4. 2023 йилдан бошлаб журналистлар ўртада ҳар йили анъанавий ўтказиб келинаётган “Олтин қалам” миллий мукофоти учун халқаро танловни **демократик тамойиллар асосида янада очиқ ва шаффофлик билан ўтказишга** эътибор қаратилсин, шунингдек, **“Олтин қалам” миллий мукофоти совриндорлари:**

бош миллий мукофот учун – автомобиль; биринчи ўрин учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 баравари;

иккинчи ўрин учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 175 баравари;

учинчи ўрин учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 баравари;

12 та рағбатлантирувчи номинациянинг ҳар бири учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари миқдорига бир марталик пул мукофоти билан тақдирлансин.

Белгилансинки, “Олтин қалам” миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар “Илҳом” жамоат фонди маблағлари ҳисобидан қопланади.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) **барча давлат органлари ва ташкилотлари** ўз муассислигидаги **даврий босма нашрларнинг замонавий электрон шакли**, шу жумладан, **мобиль иловалари** тегишли давлат органлари ва ташкилотларига 2022-2024 йилда ажратилган Давлат бюджетни ҳамда уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва қонунчилик ҳужжатлари билан таққиланмаган бошқа манбалар ҳисобидан яратилишини ташкил этади, кейинги йилларда уларни модернизация қилиш учун маблағ ажратиб боради;

б) 2023 йил январдан бошлаб:

давлат органлари ва ташкилотлари муассислигида бўлмаган ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилганга камидо икки йил бўлган **даврий босма нашрларнинг замонавий электрон шаклини**, шу жумладан, уларнинг **мобиль иловаларини яратиш** ҳамда **модернизация қилиш** ва бир йил давомида **юритиш харажатларини қоплаш учун** 2026 йил 1 январга қадар **ҳар йили энг яхши 20 та лойиҳа** бўйича танлов эълон қилинади. Бунда, ҳар бир танлов учун Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваригача бўлган миқдорда маблағ ажратилади;

даврий босма нашрлар, китоб ва бошқа матбаа махсулотларига **масофадан туриб обуна бўлиш** ва уларнинг буюртмачига **ўз вақтида етказиб берилишини қузатиб бориш** имконини берадиган **“Обуна” ягона электрон платформаси**, шу жумладан, унинг **мобиль иловаси** яратилади;

2026 йил 1 январга қадар жисмоний шахслар томонидан “Обуна” ягона электрон платформаси орқали обуна қилинган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, адабий-бадий, ҳуқуқий, илмий-оммабоп даврий босма нашрлар обуна нархининг **10 фоз, болалар учун мўлжалланган даврий босма нашрлар обуна нархининг 20 фоз** миқдори **Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан** обуначиларнинг банк карталарига бир ой мuddат ичида **қайтарилди (“Cashback”)**, реклама хусусиятига эга бўлган даврий босма нашрлар бундан мустасно. Бунда, ушбу харажатлар Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги қўшимча маблағлари ҳисобидан қопланади.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Х.Шерматов) ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.А.Ходжаев) 2022 йил якунига қадар Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан “Обуна” ягона электрон платформаси, шу жумладан, унинг мобиль иловасини яратсин ва **электрон тўлов тизимлари билан интеграция қилсин** ҳамда унинг доимий равишда модернизация қилиниши, техник қўллаб-қувватланиши ва фаолият юритишини таъминласин.

6. Журналистика соҳасида кадрлар тайёрлаш жараёнини амалиёт билан **интеграция қилиш**, кадрларнинг **малакасини ошириш** ва журналистларнинг **хорижий тилларни ўрганишни рағбатлантириш** мақсадида 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб:

а) олий таълим муассасаларида журналистика йўналиши бўйича таълим берадиган профессор-ўқитувчиларнинг муаллифлик қўрсатув ва эшиттиришлари ҳамда йирик таҳлилий мақолалари уларни моддий рағбатлантириш нуктаи назаридан илмий мақолага тенглаштирилади;

б) оммавий ахборот воситалари тахририятлари, нашриётлар, матбаа корхоналари ва ахборот хизматларида камидо беш йил ишлаган ҳамда ушбу йўналишлар бўйича олий таълим муассасаларида дарс бераётган, **Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонларига эга бўлган** шахслар меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартларига кўра 1-иловага мувофиқ профессор ва доцент илмий унвонига эга бўлган шахсларга тенглаштирилади;

в) олий таълим муассасалари ректорлари жаурналистика соҳаси бўйича кадрлар тайёрлаш жараёнига оммавий ахборот воситаларининг таниқли ва тажрибали ходимлари, соҳанинг етуқ мутахассисларини жалб қилиш ва улар меҳнатини олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан **қўшимча рағбатлантириш** ҳуқуқи берилади;

г) **журналистика соҳасида кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари кафедраларининг ихтисослаштирилган бўлимлари** 2-иловага мувофиқ ташкил этилади;

д) оммавий ахборот воситаларида **камидо бир йил** давомида асосий иш жойи сифатида ишлаб келаётган журналистлар ва тахририят ходимларининг:

хорижий тилларга ўқитиш бўйича ўқув курсларида ўқиш харажатларининг 50 фозини, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 бараваридан ошмаган қисми **компенсация** қилинади. Бунда, улар хорижий тиллар бўйича В2 ва ундан юқори даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган мос даражадаги халқаро сертификатга эга бўлиши ҳамда нодавлат таълим ташкилотига ўқиш билан боғлиқ ҳақиқий харажатлари исботловчи ҳужжатларни тақдим этиши лозим;

хорижий тиллар бўйича В2 ва ундан юқори даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган мос даражадаги халқаро сертификатга эга бўлиш учун **имтиҳон топшириш харажатлари тўлиқ компенсация** қилинади.

Бунда, ушбу “д” кичик бандда белгиланган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

7. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси олий органи қарори билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси **Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси** деб қайта номлангани маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 16-уй манзилдаги бинога текис фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин. Белгилансинки, 2023-2024 йилларда **50 нафар журналист ва тахририят ходимлари** хориж мамлакатларига малака ошириш, тажриба ўрганиш, стажировка ўташ ва нуфузли медиа тадбирларда иштирок этиш учун юборилади ҳамда улар учун хорижий малакали мутахассислар жалб этилган ҳолда ўқув курслар ташкил этилади. Бу борадаги тегишли харажатлар Ўзбекистон Журналистлар уюшмасига Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ва қонунчилик ҳужжатлари билан таққиланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари **ҳар йили** Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг тегишли ҳудудий бўлимлари фаолиятини самарали ташкил қилиш, сақлаш харажатларини қоплаш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун маҳаллий бюджетнинг қўшимча маблағлари ҳисобидан белгиланган тартибда **субсидия** сифатида маблағ ажратиб бориш чораларини кўрсин.

8. Журналистларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини янада кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг қуйидагиларни уюшма томонидан амалга ошириш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин:

журналистлар ва давлат органлари, жисмоний ва юридик шахслар ўртасида **юзга келган низоларнинг судга ҳал этилишига кўмаклашиш;**

журналистларнинг профессионал фаолиятига таалуқли **жиноят ишлари бўйича** иш юритишда уларнинг **жамоатчилик ҳимоячи**лиги сифатида қонунда белгиланган тартибда иштирок этиш;

теле- ва радиоканалларнинг бадий кенгашилари фаолиятига жалб қилинган малакали экспертларни Ўзбекистон Журналистлар уюшмасига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан доимий равишда рағбатлантириш бориш.

9. Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси олий органи қарори билан Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси **Ўзбекистон Миллий медиа ассоциацияси** деб қайта номлангани маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Миллий медиа ассоциацияси томонидан тавсия этилган медиа лойиҳаларни амалга ошириш режаларига мувофиқ вазирлик, идора, ташкилот ва ҳокимликларга уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва қонунчилик ҳужжатлари билан таққиланмаган бошқа манбалар ҳисобидан шартнома асосида медиа махсулотлар яратиш, уларни реализация қилиш ҳамда бошқа медиа лойиҳаларни амалга оширишга рўхсат берилади.

10. Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясига оммавий ахборот воситалари учун грантлар, ижтимоий буюртмаларнинг **сонини миқдорини ошириб бориш** ҳамда бу борада **алоҳида танловлар** ўтказиш тавсия этилсин.

11. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Х.Шерматов) Адлия вазирлиги (Р.Қ.Давлетов), Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов), Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.А.Ходжаев) билан биргаликда уч ой мuddатда телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (намоиш қилиш) тармоқларини лойиҳалаштириш ва қуриш, телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (намоиш қилиш) тармоқларидан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш учун белгиланган **давлат божи миқдорини 50 фозгача каймайтириш** ҳамда уни **йил давомида бўлиб-бўлиб** тўлашни жорий қилишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда, қуйидагилар учун давлат божининг алоҳида миқдорлари назарда тутиллади:

телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (намоиш қилиш) тармоқларини лойиҳалаштириш ва қуриш;

мамлакат миқёсида телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (намоиш қилиш) ёки ҳудудий телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (намоиш қилиш);

радиоэшиттиришларни тарқатиш.

12. Тошкент шаҳри, Мировоб тумани, Матбуотчи кўчаси, 32-уй манзилда жойлашган “Матбуот уйи” бино ва ишоотлари Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида берилсин.

Белгилансинки, ушбу бинога даврий босма нашрларнинг тахририятлари ижара ҳақи тўламадан (коммунал тўловлар ва кўрсатиладиган бошқа хизматлар бундан мустасно) жойлаштирилиши мумкин.

13. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.А.Артиқходжаев) Курилиш вазирлиги (Б.И.Закиров), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.М. Бобоев), Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) билан биргаликда: ушбу қарорнинг 12-бандида келтирилган бино ва ишоотлар ҳамда уларга туташ ҳудудда **замонавий медиа шахарга** ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни 2023-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритсин;

ушбу лойиҳа бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш учун 2022-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида иқтисод қилинган ва ўзлаштирилмаган маблағлар ҳисобидан етарли миқдорда маблағ ажратиш чораларини кўрсин.

Замонавий медиа шахарча лойиҳаси якунига етказилгунча қадар Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ўз фаолиятини Тошкент шаҳри, Мировоб тумани, Буюк Турон кўчаси, 42-уй манзилида жойлашган бинода давом эттирсин.

14. **2022-2023 йилларда оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда журналистика соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарлари дастурда белгиланган вазифаларнинг **ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шахсан масъул** эканликлари кўрсатиб ўтилсин.

15. Ахборот ва оммавий коммуника

ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИДА

Оммавий сайёр қабулларда аҳоли мурожаатлари тингланмоқда

Аҳоли билан мулоқот тизимини янада такомиллаштириш, фуқаролар муаммолари билан ишлашни самарали ташкил этиш, ҳудудларда ечимини кутаётган масалаларни маҳаллабай ўрганган ҳолда жойида тезкор ҳал қилиш мақсадида Қашқадарё вилоятида оммавий сайёр қабуллар ўтказилмоқда.



Унда суд, прокуратура органлари ҳамда ташкилот, вазирликлар масъуллари иштирок этишмоқда. Сайёр қабуллар 30 июнгача ўтказилиши режалаштирилган.

Илк тадбир Қарши шаҳри, Мустақиллик маҳалласидаги Алишер Навоий номи истироҳат боғида ўтказилди. Қурилиш вазирлиги мутасаддилари томонидан ҳам ташриф буюрган ҳар бир фуқаро мурожаати тингланб, айрим муаммолар жойида ҳал этилди.

Ёзги дам олиш масканлари кўпаймоқда

Ислом ИБДУЛЛА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Ёзда барча сўлим гўшаларда дам олиш тараддудига тушиб қолади. Аммо бу каби ниятни ҳамма жойда ҳам амалга ошириб бўлмайди. Нега шундай? Чунки ўтган даврда экотуризмнинг ривожига етарлиқ урғу берилмади. Эндиликда мамлакатимизнинг табиий ҳолатидан келиб чиқиб, кўплаб дам олиш масканлари ташкил этилиб, янги сайёҳлик йўналишлари, туризм манзиллари пайдо бўлмоқда.

Хусусан, сув ҳавзалари қирғоқларида ташкил этилаётган дам олиш масканлари, кемпинглар шулар жумласидан. Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон ва Қоратепа сув омборлари негизда ташкил этилган дам олиш масканлари ҳам шулар сирасига кирди. Каттақўрғон сув омбори қирғоқларидаги масканларда тадбиркорлар сайёҳлар мароқли дам олишлари учун чўмилиш ҳавзаси, ошхона ва бошқа зарур хизматлари йўлга қўйилган. Хусусан, яқинда сув омборидан 15 километр узоқликдаги Қозоқовул қишлоғида 30 ўринли "Нуршод" меҳмонхонаси иш бошлади.

– Меҳмонхонанинг умумий лойиҳа қиймати 3 миллиард сўмни таш-

кил этди, – деди тадбиркор Шамшод Узоқов. – Банкдан бир миллиард сўм кредит олиб фаолиятимизни бошлаган эдик. Бир ойда беш юздан ортиқ мижозга хизмат кўрсатиш имкониятига эгамиз. Яқин келажақда сув омборига олиб борувчи йўл таъмирланиши, ушбу йўналишда сайёҳлик маршрути йўлга қўйилиши режалаштирилган.

Албатта, Ўзбекистоннинг марказий қисмларида тарихий ва табиий сайёр-боп ҳудудлар бисёр. Жумладан, Ургут туманининг Қоратепа сув омбори ҳам сайёҳларнинг ана шундай сеvimли манзилларидан бири. "Tourist SKD" МЧЖга қарашли хизмат кўрсатиш ва дам олиш масканида рекреация ва пляж ҳудуди ташкил этилган.

Бу дам олиш маскани Тешиктош табиат мўъжизаси экотуризм объектига ташриф буюрувчилар ҳамда Самарқанд-Шаҳрисабз йўналишида саёҳатга чиқувчилар учун қўшимча ҳордиқ чиқариш маскани сифатида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мазкур ҳудуд сайёҳларнинг қулай ҳаракатланиши ва тоғ бағрида жойлашгани учун ҳам хоржий резидентлар эътиборини тортади. Бу ерда дам олувчилар қайиқларда сайр қилиб, табиат гўзаллигидан баҳра олишлари мумкин. Туризмнинг ушбу тармоғида келажақда яна бир қанча истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган. Бу орқали яқин йиллар ичида вилоятда сайёҳлар оқими янада ортади.

Ўқув машғулотли ўтказилди



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 майдаги "Ўзбекистон Республикасининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони бўйича "Ташкилотларда тегишли соҳа мутахассисларини жалб этган ҳолда зилзила ва унинг оқибатларига оид кўргазмали ўқув-услубий воситалар ёрдамида амалий ўқув машғулотларини ташкил этиш"ни таъминлаш мақсадида Қурилиш вазирлигида Тошкент архитектура-қурилиш институти доценти С. Саидий иштирокида ўқув-машғулот ўтказилди.

Унда вазирлик марказий аппаратида фаолият юритаётган мутахассислар қатнашдилар. Ўқув-машғулот жараёнида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

ТАЪМИНОТДА МУАММО БЎЛМАЙДИ

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

2022-2026 йилларга мўлжалланган давлат дастурини ҳаётга татбиқ қилиш юзасидан жамиятимиздаги барча жабҳаларда бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари жадал суръатларда бормоқда. Бу борада "Янги Ўзбекистон" объектиларида олиб борилаётган қурилиш ишлари барчанинг диққат-эътиборида турибди.

Ушбу масъулиятли вазифаларни бекаму куст ҳаётга татбиқ этишда Президентимизнинг 2021 йил 9 декабрдаги "Янги Ўзбекистон" масивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармони айниқса, қурувчи ва соҳага дахлдор мутахассисларга асқатмоқда. Бунда Бухоро вилоятининг Қорақўл туманидаги "Дўрмон" ҳамда Ўзбекистон туманидаги "Барақа" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудларида қад ростлаётган "Янги Ўзбекистон" массивларида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир.

Шу кунларда бу ерда қад ростлаётган биноларда бошқа хизматларни меъёрига етказиш баробарида хонадонларни газлаштириш бўйича ҳам амалий ишлар ташкил қилинган. Жумладан, юртимиз қорхоналарида тайёрланган ва ҳар қандай босимга бардошли махсус қувурлар келтирилиб

ўрнатиляпти. Ана шу юмушларнинг кўнгилдагидек бажарилишида "Худудгаз Бухоро" газ таъминоти филиали катта саъй-ҳаракатлар қилмоқда.

Масалан, Қорақўл туманидаги "Янги Ўзбекистон" массивини газлаштириш мақсадида 219 ммли газ қувурини тортиш ва қуриш учун тажрибали ишчи-ҳодимлар жалб этилган. Юқорида таъкидланганидек, мазкур ҳудудда қурилиши режалаштирилган 1 минг 400 та хонадондан иборат 70 та кўп қаватли уй-жойларни табиий газ билан таъминлашда шу соҳа ходимларининг саъй-ҳаракатлари муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, Ўзбекистон туманидаги "Барақа" маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам газлаштириш ишлари жадаллаштирилган. Чунончи, шу кунгача диаметри 219 ммли бўлган 6 километр ер усти газ қувури тортилди. Бунинг ҳисобига 2 минг 800 та хонадондан иборат 140 та кўп қаватли уйларга табиий газ муаммосиз етказиб берилди. "Обод қишлоқ" ҳамда "Обод маҳалла" давлат дастурлари доирасида Жондор, Пешку, Шофиркон ва Олот туманларининг энг чека қишлоқларида ҳам истеъмолчилар эътиборини қондириш мақсадида бу борадаги ишлар жадал давом эттириляпти.

Бир сўз билан айтганда, "Худудгаз Бухоро" газ таъминоти филиали жамоаси жорий йилда вилоятнинг барча ҳудудларида газ масаласида муаммолар келиб чиқмаслиги чораларини кўришмоқда.

Болажонлар ёз мавсумини мароқли ўтказмоқда

Фаргона вилоятида бугунги кунда 17 та стационар оромгоҳлар мавжуд бўлиб, ўғил-қизлар дам олиши ва соғломлаштирилиши учун зарур барча шароитлар яратилган.

Жорий мавсумга тайёргарлик доирасида Данғара тумани халқ таълими бўлими тасарруфидога "Нилуфар", Олтиариқ туманидаги "Юлдуз", собиқ Марғилон шаҳридаги 1-Меҳрибонлик уйи тасарруфидога "Меҳнат Роҳат", Фурқат туманидаги "Ешлик", Бешариқ туманидаги "Юлдуз" оромгоҳларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, мактаб-интернатлар ва коллежлардаги мослаштирилган оромгоҳлар стационар оромгоҳларга кўчирилди.

Бу йил 5 смена давомида стационар оромгоҳларда 11 минг нафардан зиёд болажонларнинг ҳордиқ чиқариши режалаштирилган. Айни кунда биринчи сменанинг ўзида 2 минг 800 нафардан зиёд ўғил-қиз ўз вақтини мазмунли ўтказмоқда. Вилоятда 2022 йил ёз мавсумида 123 та кундузги болажон оромгоҳлари ташкил қилинган бўлиб, 21 минг 500 нафар болажонларни дам олдириш ва соғломлаштирилиши кўзда тутилган.

Болажонларни жисмонан чиниқтириш мақсадида вилоятдаги болажонлар ва ўсмирлар спорт мактаблари томонидан оммавий спорт турлари бўйича



оромгоҳ биринчиликлари, "Кувноқ спортдан касаба уюшмалари Федерацияси" вилоят кенгаши тасарруфидога "Нихол" болажон соғломлаштириш оромгоҳида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус доирасида 8 та йўналишдаги тўғарақлар фаолият олиб бормоқда. Илк сменада 170 нафардан зиёд ўқувчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда тасвирий санъат, инглиз тили, шахмат-шашка, футбол, волейбол тўғарақларида ўз иқтидорини ривожлантирмоқда. Ошхона ва ётоқхоналарда барча қулайликлар мавжуд. Ёзги соғломлаштириш даврида бу ерда 880 нафар болажонларнинг ҳордиқ чиқаришини таъминлаш кўзда тутилган.

Хусусан, Қувасой шаҳридаги Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси вилоят кенгаши тасарруфидога "Нихол" болажон соғломлаштириш оромгоҳида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус доирасида 8 та йўналишдаги тўғарақлар фаолият олиб бормоқда. Илк сменада 170 нафардан зиёд ўқувчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда тасвирий санъат, инглиз тили, шахмат-шашка, футбол, волейбол тўғарақларида ўз иқтидорини ривожлантирмоқда. Ошхона ва ётоқхоналарда барча қулайликлар мавжуд. Ёзги соғломлаштириш даврида бу ерда 880 нафар болажонларнинг ҳордиқ чиқаришини таъминлаш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги "Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-6186-сонли фармони ижроси юзасидан:

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИЯТИ

2022 йилда қишлоқ жойларида кўп қаватли уй-жойлар қуриш учун тадбиркорлик субъектларини танлаш юзасидан танлов савдоларини эълон қилади!

Танлов савдолари эълон қилинган сана: 2022 йил 28 июнь.

Танлов тақлифларини тақдим этиш учун охириг мuddат: эълон чоп этилган санадан 10 кундан сўнг.

Кўп қаватли уй-жойлар қуришни молиялаштириш манбаси: тадбиркорлик субъектларининг ўз маблағлари, тижорат банкларидан олинган кредитлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

1. Танлов иштирокчилари қуйида санаб ўтилган ҳар бир танлов пакетлари учун муҳрланган танлов тақлифларини тақдим этишлари мумкин.

2. Тошкент вилояти ҳокимияти тадбиркорлик субъектларини қуйида келтирилган лотлар бўйича кўп қаватли уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун муҳрланган танлов тақлифларини тақдим этишга тақлиф қилади.

8. Танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган тадбиркорлик субъектлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:

Уй типлари	Бир донга уй учун талаб этилади:			
	Талаб этиладиган йиллик ўртача айланма маблағ (сўм)	Сўнгги 1 йил ичида бажарилган ўхшаш ҳажим ва характердаги битта шартнома суммаси (сўм)	Сўнгги 3 йилда бажарилган ер ишлари ҳажими м³	Сўнгги 3 йилда бажарилган бетон ишлари м³
Беш қаватли кўп квартиралли (2,3 хонали) уйлар	3 250 000 000	2 750 000 000	500	875

Лот №	Ҳудуд	Қишлоқ аҳоли пункти номи	Квартиралар сони	5 қаватли бир подъездли 20 та квартиралли 2-3 хонали уйлар			Тақлифларни топширишнинг охириг мuddати
				сони	квартира	Уй рақами	
ТВ-17-01п	Пискент тумани	Ғайрат	20	1	20	1-2	2022 йил 8 июль, соат 17.00
ТВ-17-02п	Пискент тумани	Ғайрат	20	1	20	1-3	2022 йил 8 июль, соат 17.00



ЎЗБЕКISTОН BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси),
Козим Туляганов,
Эркин Искандаров,
Ботир Зарипов,
Юлдаш Магруппов,
Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов,
Қўдратбек Хошимбеков.

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир Дилшод Жалолов

Бош муҳаррир уринбосари Абдусами Ҳақбердиев

Саҳифаловчи Акмал Махкамов

Мусаҳҳих Марҳамат Мусулмонқулова

Газета "Ўзбекистон бунёдкори" Наشريёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

ЎЗБЕКISTОН БУНЁДКОРИ НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги,
«Узсанокатуришлишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАСҲКЛИТИ» ДУК,
«ЎзШарҳрозклиТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар:
71-244-21-71 (кабулхона),
71-244-15-13 (котибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-05-15 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси: 90-590-37-15.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-705-50-15
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 90-553-02-34.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сурхондарё вилояти: 91-981-61-63.
Фаргона вилояти: 90-230-85-23,
90-163-63-82.
Қашқадарё вилояти: 99-503-43-39.
Хоразм вилояти: 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-643.
2210 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоиси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфига жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир – А. Ҳақбердиев.

Навбатчи – Р. Ҳужаева.

ЎЗА яқини – 22.30.
Топшириди – 23.20.

27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини

ТАҚИни танитаётган МАТБУОТ КОТИБИ



Журналистика мен учун қанчалик машаққатли бўлмасин, яна бошқа имкон берилганда албатта, шу касбни танлаган бўлар эдим.

Латофат ЮСУБОВА

Райхона ХҲЖАЕВА,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Бу қизни таниганимга бир йилдан ошди. Аммо шу бир йилда унинг тиниб-тинчимас, оловқалб ва ташаббускор журналист эканлиги амин бўлдим. Ғайрати ичига сиғмайдиган бу қиз ўтган йили Тошкент архитектура-қурилиш институтига магистр котиби бўлиб келди. Шундан буён ҳамкорликда институт фаолиятига оид воқеаларни биргаликда ёритиб келяпмиз. Тўғриси айтман, у институтда фаолият бошлаганга қадар ТАҚИ газетамизда бунчалик кўп ёритилмаган эди.

Ҳеч бир инсон касбини ўз-ўзидан танламайди. Бунга кимдир ёки нимадир сабаб бўлади. Айниқса, журналистика тасодифий танланганда касблардан эмас. Қаҳрамонимиз Латофат Юсубова айти пайтда ТАҚИ матбуот котиби. Унинг ҳам журналистикага кириб келиши ўз-ўзидан бўлмаган, албатта.

– Бу касбга қизиқишим болалигимдан бошланган, – деди Латофат Юсубова. – Отам иккаламиз телевизорда чиқаётган дикторларга ҳавас қилиб, қўлимизга нимандир микрофон қилиб олганча бир-биримиздан интервью олар эдик. Шу тариқа журналистиканинг сеҳри оламага кириб келганам десам, адашмаган бўламан. Қолаверса, дадам ҳам бу қизиқишимни ривожлантиришга ҳисса қўшган. Уша пайтда ҳинд актёрлари ҳақида “Филмс” деган журнал чоп этилар, дадам ҳам йили туғилган кунимда шу журналга обуна бўлиб, менга квантиясини совға қилиб берарди. Буларнинг барчаси мени журналистикага қизиқтирган бўлса ажаб эмас...

Энг қизиқ томони шуки, Латофат Юсубова журналист бўлишдан олдин ўн йилдан ортиқ муддат бошқа соҳаларда ишлаган. Аммо болалик орзулари уни журналистикадан бир зум бўлса-да узоклаштирмаган.

1984 йилда кўҳна Хоразмнинг Шовот туманида туғилган Латофат меҳнат фаолиятини Шовот тумани Марказий турғўхонада чақалоқлар ҳамширалигидан бошлаган. Орада боғча тарбиячиси, оилавий поликлиникада ҳамшира ҳам бўлиб ишлаган. Шу орада болалигидаги орзуси уни журналистика факультети сари етаклайди. 2018 йил Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетини тамомлаб, журналистика соҳасидаги фаолиятини Адлия вазирлигининг “Инсон ва қонун” газетасида мухбир сифатида бошлаган. Шундан сўнг, Ўзбекистон миллий матбуот марказида мутахассис сифатида бир муддат ишлаган, ўтган йилдан буён ТАҚИ матбуот котиби сифатида ишлаб келмоқда.

Бизда, балки дунёнинг барча жойларида шундай одат бўлса керак, яъни кимдир ишга келса, энг аввало унинг

илгари ишлаган жойидан у ҳақида фикр сўралади. “Аслида қандай ходим бўлган, қандай ишлаган” дегандай. Латофат Юсубова эса қаерда ишлаган бўлса ҳам ҳамкасблари ишончини қозониб, уларда фақат яхши таассурот қолдирган. Поликлиника, боғча, институт, газетанда ишлаган пайтда ҳам ўз соҳасининг ҳақиқий фидойиси бўлгани шундан ҳам маълум. Чунки унинг ташаббускорлиги, ўз вазифасини сидқидан, қизиқиш билан бажариши, ташкилий ишларда доимо фаолиятли фуқайли жамоада ҳурмат-эътибор қозонгани ҳақида ҳамкасбларидан илқ фикрларни эшитдик.

– Латофат сермахсул ходим бўлиб, у институтимиз жамоасида ўз ўрнини топган, – деди ТАҚИ укув ишлари бўйича проректори Абдулло Мирисаев. – Айниқса, раҳбарият, вазирлик ва идоралар билан яқиндан ҳамкорликда иш олиб бориши натижасида бугун таълим масканимиз фаолиятида ҳам анча сезиларли ишлар амалга оширилди. У институтдаги барча тадбирларни матбуот ва ВЕБ-сайтда ёритиш, ўқитувчи ва талабаларни юртимизга танитишда катта ҳисса қўшиб келмоқда. Шу билан бирга, Латофат республикамизда олиб борилаётган ишхотлар, ёшларни қўллаб-қувватлаш, айниқса, мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишлари ҳамда халқаро стандартлар талабларига мос келадиган олий таълим тизимини яратиш, хусусан, архитектура-қурилиш таълими соҳасидаги ишларни кенг ёритишда фаол журналистлардан ҳисобланади.

Болалиқдаги орзусининг амалга ошириши ҳар кимга ҳам nasib этилмайди. Бир умр ўзи севмаган, қизиқ-мағна квантиясини совға қилиб берарди. Буларнинг барчаси мени журналистикага қизиқтирган бўлса ажаб эмас...

– Журналистика мен учун қанчалик машаққатли бўлмасин, яна бошқа имкон берилганда албатта, шу касбни танлаган бўлар эдим, – деди Латофат Юсубова. – Тўғри, тиббиёт коллежини битириб, анча пайт ҳамшира бўлиб ишладим. Болалар жону дилим эди. Аммо кўнглимдан ижодни, нимадир ёзиш иштиёқини чиқариб ташлолмадим. Қаерда ишлаган бўлсам ҳам, ҳамкасбларим доим бир гапни айтишарди: “Сиз бу соҳада бекор адашиб юрибсиз, аслида актриса ёки журналист бўлишингиз керак эди”. Мана, тақдиримда бор экан, бугун журналистика соҳасида ўқитувчимизга мени кўрган ўқитувчи. “Ха, тўғри-да, Зулфия олган бўлса ҳам, саранжом-саршталлик, дастёрлик қиз боланинг биринчи вазифаси”, дебди адабиёт ўқитувчим ҳам.

Зулфия мукофотига сазовор бўлган куним буним мени табрикларкан: “Қизим, одам бир хил бўлиши керак, ўзгармаслиги керак, мукофот синови учун берилди, унинг қадрини сақлаб қолиш осонмас”, деганди. Ҳар гал ҳаётнинг синови чигирликларидан ўтганимда, буним айтган ушбу гапини мағзини ян-

МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМАК ХАЙРЛИКДИР..

ёхуд “Ўткан кунлар” дан ўқиганларим ва укқанларим

Зиёдахон АКБАРҚУЛОВА,
Республика Маънавият ва маърифат маркази етакчи мутахассиси.

“...уйнинг тўрига солинган атлас кўрпа, пар ёстиқ кучоғида совуқдан эринибми ва ё бошқа бир сабаб биланми уйғоқ ёткан бир қизни кўрамиз. Унинг қора зулфи пар ёстиқнинг турлик томониға тартибсиз суратда тўзғиб, қуюқ жинггила килрак остидаги тимқора кўзлари бир нуқтаға тикилган-да, нимадир бир нарсани кўрган каби... қоп-қаро камон, ўтиб кетган нафис, қийғи қошлари чимирилган-да, нимадир бир нарсадан чўчиган каби... тўлган ойдек ғуборсиз оқ юзи бир оз қизиллиққа айланган-да, кимдандир уялган каби...”

Маржондек бир текисда чизилган ушбу сўзлар измида тебранган қалам бир парининг суратини жонлантиради. Барча тенгдош йигит-қизлари қатори Дилфузанинг қалб тўрисида ҳам Қодирийнинг “Ўткан кунлар”даги ушбу кўркам юзли Кумуш жой олиб улгурганди. Дилфузанинг Кумуши маърифатга чанқоқлиги билан бирга жижвахликларга хос шаффоф ва тўғриси, шижоатли, тиришқоқ, ўз мақсадларидан оғинмай диган даражада интилувчан эди. “Интиланганга толея ёр”, дерди у ўзига ўзи. Бу унинг шиорига айланди, бу шир ҳаётига мазмун олиб кирди.

Жажи Дилфузанинг шеърятга бўлган айрича қизиқишини сезган ота-она қизчаси билан фикр алмашиши қанда қилишмасди. Айниқса, Дилфузага отаси билан дилдан сўхбат қуриш жуда ёқарди. Китоблар, ҳаётий ва хаёлий воқеа-ҳодисалар ҳақидаги муносабатлари, айниқса, унинг қалбидаги улкан орзулари отани қувонтириши билан бирга, умидлантиради. Уй юмушлари билан кўймаланиб юрадиган онасининг сиймоси Дилфузанинг қалбига меҳр билан жо бўлганди, у ҳар гал онасига термуларкан кўз унганда “Ўткан кунлар”даги Офтобонинг гавдаларини. Онаси билан сирлашганда гўё меҳр уммонига чўмар, муаммоларини унутиб, унинг қайноқ тафтида тобаланарди.

“9-синф ўқувчисиман, дея бир зум ўсимлик чоғларига қайтади Дилфуза Маҳкаммова, – мактабимизда адабиёт фанидан очик дарс бўлди. “Ўткан кунлар” романи юмушлари бўйича тўзилган саволларга синфдошларим бирин-кетин жавоб бера бошладим. Ва ниҳоят, мен ҳам саволлардан бирини танлаб овоз чиқариб ўқидим: “Зайнабнинг ўрнида бўлганимизда, қандай йўл тутган бўлардингиз?”. Саволни ўқиган пайтдама дастлаб ўзимни йўқотиб қўйдим. Мен... Мен-а, Зайнабнинг ўрнида бўлсам... Миямда айланган саволлар бир зум мени довдиратиб қўйди, бироқ ўсимлик жаммасамни, бунинг устига саволга жавоб беришим шарт... Фикрларимни тезда жамладим ва “Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ бўлади”, дедим. Кейин хижолат тортиб, яхши жавоб бердимми-йўқми, деб ўқитувчимга юзландим. “Жуда залворли жавоб бўлди”, деди ўқитувчим...”

Уша кундан кейин Дилфуза анча вақтгача ота-она орзуси бўлган Зайнабнинг рухий кечинмаларини ҳис қилиб, унга ачиниб юрди. Ўз фарзандларини тушунмайдиган ота-оналар ҳақида ўйлади. Айниқса, мактабни тамомлаши билан турмушга узатиладиган, олий маълумот олиши, ҳатто тушларига ҳам, орзу қилолмайдиған қизлар ҳақидаги ўйлар уни изтирбоға соларди. Отасининг қизи хали “катта одам бўлиши” ҳақидаги орзусини рўёбга чиқариши, уларнинг ишончини қадрлаш ва оқлаш даркорлиги ҳақидаги мақсадлар сари олға интилди. У худди ўзбекининг Зулфияси каби чанқоқ бўлишни, овози жаҳонга таралиши ҳақидаги жуссасидан катта орзулар жилловини тутишга интилди.

“Зулфия мукофотини олганимдан сўнг икки кун ўтиб, дарвозамиз тагида сомон умюмидан қолган хашакларни супуриб, йиғиштирдим. Шу пайт мактабимиздаги ўқитувчилардан бири ўтиб қолди. Салом бериб, ишимда давом этдим.” “Кечагина “Зулфия”ни олган қизингиз кўча супуриб юрибди”, дебди адабиёт ўқитувчимизга мени кўрган ўқитувчи. “Ха, тўғри-да, Зулфия олган бўлса ҳам, саранжом-саршталлик, дастёрлик қиз боланинг биринчи вазифаси”, дебди адабиёт ўқитувчим ҳам.

Зулфия мукофотига сазовор бўлган куним буним мени табрикларкан: “Қизим, одам бир хил бўлиши керак, ўзгармаслиги керак, мукофот синови учун берилди, унинг қадрини сақлаб қолиш осонмас”, деганди. Ҳар гал ҳаётнинг синови чигирликларидан ўтганимда, буним айтган ушбу гапини мағзини ян-



Зулфия мукофотиға сазовор бўлган куним буним мени табрикларкан: “Қизим, одам бир хил бўлиши керак, ўзгармаслиги керак, мукофот синови учун берилди, унинг қадрини сақлаб қолиш осонмас”, деганди. Ҳар гал ҳаётнинг синови чигирликларидан ўтганимда, буним айтган ушбу гапининг мағзини янгидан чаққандек бўламан.
Дилфуза МАҲКАМОВА

гидан чаққандек бўламан. Ёшимга ёш қўшилгани сари ҳар бир ўзбек аёли учун ёзилмаган қатор қойдалар борлигини, Зулфияхонимдек аёллик шаъни муқаддас эканлигини ҳис қилиб бораман.

Жамиятда ютуқларга эришиш, оилада севибли келин бўлиш, суюкли турмуш ўртоқ бўлиш, меҳрибон она бўлиш – буларнинг барини сўз билан икки қаторга сиғдириш мумкин, балки, лекин уларнинг ҳар бири ўзига хос алоҳида-алоҳида маъсулият ва фидойилик талаб қилади аёлдан. Дилфуза шуларнинг барини уйғунлаштириб, бирдек тортиб кетаётгани билан кўпчилик аёлларимизга ўрнатилган бўлади.

2001 йилдан бошлаб шеърли намуналари туман, вилоят ҳамда республика матбуотида мунтазам ёритилиб келинаётган Дилфуза 2004 йилда Республика ёш қаламкашларининг “Нафосат” кўрик танлови ва Зомин семинари ғолиби, 2006 йили Адабиёт йўналиши бўйича Зулфия номдаги Давлат мукофоти совриндори бўлди. Шунингдек, 2008 йил “Қамолот” стипендияси, 2008-2009 ўқув йилида “Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури” ғолиби ҳамдир. “Атиргулим” (2004), “Оқ фасл” (2005), “Дийдор эпкини” (2010) шеърли тўпламлари нашр қилинди. У 2014 йил Тошкент давлат аграр университетиде Тахририят ва нашриёт бўлими муҳаррири сифатида иш фаолиятини бошлаган. Дилфуза қаерда фаолият кўрсатмасин ижтимоий-сиёсий фаол аёл сифатида ҳурмат қозониб келмоқда.

Ҳозирда Республика Маънавият ва маърифат маркази Ҳарбий-ватанпарварлик бўлими мутахассиси сифатида фаолият юритмоқда. Жамоа Дилфуза Маҳкаммовани ташаббускорлиги, оилапарвар, жонқур рафиқа, меҳрибон она сифатидаги қазилатларини қадрлайди.

“Маргилонда шундай келишимиз бор экану, билмай юрган эканмиз”... Кўпни кўрган, илм-маърифатли, жамиятдаги ҳақон инсонлардан бири бўлган Юсуфбек ҳожини Кумушнинг одоби лол қолдирганди... Севикли рафиқаси бўла туриб, Отабекнинг ота-она орзуси учун яна бир бор ўйланишга, маълум бир вақт эрли аёлнинг турмуш ўртоғидан йироқда азоб чекишига, кимлар келин қилишни орзу қилган ёш ва гўзал Зайнабнинг орзулари поймол бўлишига қисман сабабчи бўлиш халқнинг дарди билан яшаниши ўзига муносиб деб биладиган Юсуфбек ҳожининг уҳдасига улкан юмушни юклайди. Қаршида бу қадар одобли, ибодатли Кумушнинг намоён бўлиши... Юсуфбек ҳожи икки оташин олов – Кумуш ва Зайнабнинг мождорларини қалбан ҳис этиши... Ўқувчи томонидан унинг ушбу ҳолати эътироф этилади. Романининг айнан мана шу қисмида маънавият ва моддий курашнинг аққол ифодаси кузатилади. “Ўткан кунлар” илк ўзбек романи бўлиши билан бирга илк ўзбек маънавий романи ҳамдир. Ундаги Кумуш тисмо-

дан гўштни тўғраб бўлган жойимда гўшт тахтачасини ерга тушириб юбордим. Қайнонам, гиламдан гўштни дарҳол йиғиб олинг дедилар-да, музлатгичдаги пиширилган гўшт бўлагини олиб иситиб ошининг бетига қўйдилар.

Мен қайнона-қайнота, эр-хотин ўртасидаги муносабатлар оила кўрғонини муштақамловчи маънавият эканлигини ҳис қилдим.

Қайнонамнинг ноқулай вазиятда мени қўллаб-қувватлашлари, оқиллик билан муаммони дарҳол бартараф этганликлари менга куч бағишлади ва янги оиламга нисбатан меҳр туйдим.

Дарвоқе, Ижтимоий тармоқларда “Ўткан кунлар”ни инглиз тилига таржима қилган Эдуард Риз билан қилинган интервьюда “Романда Офтобойим қизига “Токчада сан қидирган нарса йўқ”, дейди. Ушбу ибора орқали ёзувчи қандай маънони ифодаляйди?”, дея Мюррей иштирокидаги “Устаранинг қирраси” (The Razor’s Edge) фильмини мисол келтириб, Биринчи жаҳон урушидан сўнг, уруш дахшатларини бошидан ўтказган, Тибетта саёҳат қиларкан илм излаб, ўнлаб китобларни мутолаа қилган Мюррейнинг персонажини ёдга олади. “Мен тоғ чўққисиде ўтириб, доноликка эришиш учун барча китобларимни ўзим билан олдим”, дейди у Роҳиб билан учрашиб қолганда Мюррейнинг персонажи. Шунда Роҳиб унга тоғ йўли бўйлаб муқарар қор буронларидан бошлана йўлни кўрсатади. Мюррей барча китоблари билан тоққа кўтарилди ва ўша ерга етиб борган, тўртта устуни топади. Уй йўқ, том йўқ, атрофда қор бўрони. Тирик қолиш учун у барча китобларини ёқиб мажбур бўлади. **Демак, дономандлик моддиятда эмас, балки маънавиятда, деган хулосани кўришимиз мумкин.**

Романдаги Ўзбекиоим маънавий қарашларга нисбатан моддиятни устун қўйди: махалла-кўй орасидаги обрў-этибори, бир оз киборлиги, димоғдорлиги анча-мунча давраларга “кавуши тушиб қолмагани”ни сабаб қилиб бормаслиги, саёғ фикрлаши орқиде ёзувчи ўз давридаги миллатдошларининг дабдабага, кибр-ҳавога берилиши оқибатида юзага келадиган таназзулни кўрсатиб беради.

Офтобойим ҳар қанча оқила бўлма-син, қизининг майли ва турмуш ўртоғининг илтимосига кўра Отабекнинг соф муҳаббати эвазига қизининг нафақати бахти, балки ҳаёти ҳазон бўлишини кузатишдан шайта чора тополмайди.

Дарҳақиқат, “Ўткан кунлар” – бошқа маънавият асосига қурилган ҳужжат кўрбони бўлган ўткан кунларимизда яшаб ўтган аждодларимизнинг ҳаёти ифодасидир.

Унда тилга олинган ўзбек аёлларининг тимсолида миллат тақдирини, келажиги ўз ифодасини топган. Дилфуза билан ҳамсухбат бўларканман, Қодирий орзу қилган истиқлол даврининг Кумушлари юртининг, халқнинг, миллат келажигининг эртанги кўнига раҳна солишга уринаётган ҳар қандай мафқуравий ғояларга қарши аёлларга хос нафислик ва гўзаллик, ўз навбатида, оқиллик билан, оналарга хос фидойилик билан, турмуш ўртоқларга хос тадбиркорлик билан, энг асосийси юксак маънавият билан “лаб-бай” деб жавоб бера оладиган Кумушлар бисёр эканлигиға ишонгим келди. Мухтарам Юртбошимиз таъкидлаганидек, бугунги кунда яхши тарбия ва яхши билим олаётган қизларимиз эртанги кунда ўнлаб фарзандларни юртга муносиб қилиб тарбиялашга ўз хиссаларини қўшади, албатта.

“Ўткан кунлар”ни мутолаа қилинг, унинг мутолааси бизга қисман у билан яшаниши, ундаги воқеа-ҳодисаларни бир неча лаҳзаларга бўлса-да, қалбан туйишни, бугунги Истиқлол даврининг чинакам неъмат эканлигини англашимизни, Учинчи Ренессанс миллионлаб Қодирийларнинг ушалмаган орзуси бўлганини, уни виждонан амалга оширишга эса ҳар биримиз масъул эканлигини ўргатади.